

## **СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИГА НИСБАТАН ЖОЙЛАШУВИ ВА УНИНГ БАЛИҚЧИЛИККА ТАЪСИРИ**

**Матчанов Отабек Жуманазарович**

Урганч давлат университети таянч докторанти

**Матсопоева Аъло Қудрат кизи**

Урганч давлат университети талабаси

**Аннотация.** Мақолада Хоразм вилоят сув ҳавзаларининг мелиорация тармоқларига нисбатан жойлашуви ГАТ технологиялари асосида таҳлил қилинган. Уларга нисбатан чуқурда жойлашган сув ҳавзаларининг туманлар кесимида жадвали тузилган.

**Калит сўзлар:** Жойлашув, масофа, чуқурлик, балиқчилик, Google Earth, GTOPO30, ALOS DSM, ALOS-PALSAR, ASTER, SRTM.

## **РАСПОЛОЖЕНИЕ ВОДОХРАНИЛИЩ, СВЯЗАННЫХ С ДРЕНАЖНЫМИ СИСТЕМАМИ, И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА РЫБНОЕ ХОЗЯЙСТВО**

**Матчанов Отабек Джуманазарович**

Базовый докторант Ургенчского государственного университета

**Матсапаева Ало Қудрат кызы**

Студентка Ургенчского государственного университета

**Аннотация.** В статье анализируется расположение водных объектов Хорезмской области по отношению к мелиоративным сетям на основе технологий ГАТ. В отношении них составлена таблица по районам глубоководных бассейнов.

**Ключевые слова:** Местоположение, расстояние, глубина, рыбоводство, Google Earth, GTOPO30, ALOS DSM, ALOS-PALSAR, ASTER, SRTM.

## **LOCATION OF WATER BASINS ASSOCIATED WITH DRAINAGE SYSTEMS AND ITS IMPACT ON FISHERIES**

**Matchanov Otabek Jumanazarovich**

Basic doctoral student of Urgench State University

**Matsopoyeva Alo Qudrat qizi**

Student of Urgench State University

**Annotation.** The article analyzes the location of water bodies in the Khorezm region in relation to reclamation networks based on GAT technologies. In relation to them, a table has been compiled for the areas of deep-water basins.

**Key words:** Location, distance, depth, fish farming, Google Earth, GTOPO30, ALOS DSM, ALOS-PALSAR, ASTER, SRTM.


Кейинги йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида мамлакатимизда, жумладан Хоразм вилоятида ҳам балиқ етиштириш ва истемол кўрсаткичлари ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда. Лекин иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган сув танқислиги тармоқ тараққиётига тўсиқ бўлаётгани сир эмас.

Шу сабабли балиқчилик тармоғида фойдаланиш учун барқарор сув ҳавзаларини аниқлаш давр талабига айланди. Тадқиқотлар мелиорация тармоқларига нисбатан баландда жойлашган сув ҳавзалари сув танқис бўлган даврда қуриб қолиб, балиқлар нобуд бўлаётганини кўрсатмоқда. Туби мелиорация тармоқларига нисбатан чуқур жойлашган сув ҳавзалари эса нисбатан барқарор эканлиги кузатилди. Сув танқис йилларда қуриб қолмаслиги учун уларга яқин жойлашган зовурга нисбатан сув ҳавзаларининг атрофи 1,5-2 метр чуқурликда қазиб чиқилди. Натижада қурғоқчил мавсумда кўлнинг қазилган қисмида сув сақланиб қолди (1-расм).



**1-расм. Мелиорация тармоғига нисбатан чуқур қилиб қазилган сув ҳавзалари.**

Бу тадқиқотлар коллектор ва дренажлар сатҳидан чуқурда жойлашган кўллар уларнинг сув сатҳи билан тенг ва айниқса ундан баландда жойлашганларига нисбатан барқарорлигини тасдиқлади. Шу сабабли вилоят бўйича барча сув ҳавзаларининг мелиорация тармоқларига нисбатан жойлашуви аниқланди. Бунинг учун Google Earth дастури асосида бугунги кун ҳолатига вилоят ҳудудида, ўртача майдони  $88.9 \text{ м}^2$ , умумийси  $180.6 \text{ км}^2$  тенг 2030 та сув ҳавзалари аниқланиб, рақамлаштириш орқали геофазовий маълумотлари яратилди [1]. Google Earth, GTOPO30, ALOS DSM, ALOS-PALSAR, ASTER, SRTM глобал рақамли баландлик моделлари (DEM) асосида қилинган таҳлиллар ва уларни кўл ҳудудида ўтказилган ўлчаш ишларида олинган натижалар билан таққослаш SRTM маълумотларининг ишончлилигини кўрсатди [2]. Таҳлиллар вилоятнинг ҳудудининг турли қисмида жойлашган сув ҳавзаларида ҳам ўтказилиб, батиметрик карталари яратилди (2-расм).



**2-расм. Сунъий йўлдош маълумотлари асосида чуқурлиги таҳлил қилиниб, батиметрик карталари яратилган сув ҳавзалари.**

Вилоят ҳудудида 2–2,5 м чуқурликдаги дренаж тармоқлари 150 метр масофадаги сизот сув сатҳини пасайтира олади [3]. ArcGIS дастури асосида

Ўтказилган таҳлилларда вилоят ҳудудидаги сув ҳавзаларининг 717 таси коллектор ва дренажлар таъсир доирасида, яъни 150 метр узоқликда жойлашганлиги, шундан 235 таси улардан чуқур, 436 таси бир хил баландликда ва 46 таси баландда жойлашганлиги аниқланди. Коллектор ва дренажлардан чуқур жойлашган сув ҳавзалари туманлар кесимида таҳлил қилинди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Мелиорация тармоқларидан чуқурда жойлашган сув ҳавзаларининг туманлар кесимида тақсимланиши

№	Туманлар	Йирик сув ҳавзалар (>1 км <sup>2</sup> )		Ўртача сув ҳавзалар (0,1-1 км <sup>2</sup> )		Кичик сув ҳавзалар (<0,1 км <sup>2</sup> )	
		сон	майdonи	сон	майdonи	сон	майdonи
1	Боғот	4	5.3	12	3.9	16	0.7
2	Гурлан	0	0	0	0	7	0.3
3	Урганч	0	0	4	0.8	2	0.1
4	Хазорасп	1	3.4	13	3.7	25	0.8
5	Хонқа	0	0	0	0	6	0.1
6	Хива	8	38.2	12	4.9	12	0.4
7	Шовот	1	1.5	14	3.5	39	1.2
8	Янгиариқ	2	41.4	6	1.6	22	0.7
9	Янгибозор	0	0	1	0.7	2	0.01
10	Қўшқўпир	2	2.6	9	4.0	15	0.5
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>18</b>	<b>92.4</b>	<b>71</b>	<b>23.1</b>	<b>145</b>	<b>4.9</b>

Жадвалдан кўриш мумкинки, вилоятнинг Хива ва Янгиариқ туманларида майdonи 1 км<sup>2</sup>дан ортиқ бўлган 10 та **йирик** сув ҳавзалари негизида 79.6 км<sup>2</sup> сув юзаси акваториясида балиқ хўжалигини юритиш учун алоҳида кластерлар ташкил этиш мумкин. **Ўртача** сув ҳавзалари (0.1-1 км<sup>2</sup>) кўп бўлган Боғот, Хазорасп, Хива, Шовот, Қўшқўпир туманларида умумий майdonи 15,1 км<sup>2</sup> бўлган 47 та сув ҳавзасида ҳудудий, яъни туман миқёсида балиқчилик кластерларини ташкил этиш тавсия этилади. Вилоятнинг барча туманларида кенг тарқалган ҳар бирининг майdonи 0.1 км<sup>2</sup>дан кичик бўлган

145 та (умумий майдони 4.9 км<sup>2</sup>) **кичик** сув ҳавзалари негизида майда балиқ хўжалигини юритиш мумкин.

БМТ бош ассамблеяси 2022 йилни «Халқаро майда хўжалиқ балиқчилиги ва аквакультура йили» деб эълон қилди. 2021 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан «Ўзбекистонда балиқчилик соҳасини ривожлантириш»га бағишланган селектор йиғилишда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини кондириш учун «майда хўжалиқ балиқчилиги»ни давлат томонидан қўллаб қуватлаш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Бундан ташқари, ПҚ–83-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ 2022 йил якунида Хоразм вилоятида балиқ етиштириш ҳажмини 66 минг тоннага ошириш кўзда тутилган. Биз юқорида кўриб чиққан таҳлиллар эса, майда балиқчилик хўжалигини табиий ҳавзаларда ривожлантириш имкони йўқлигини кўрсатяпти. Шу сабабли вилоятда майда балиқчилик хўжалиқларини табиий шароитдан ажратилган холда сунъий ҳовуз ва бассейнларда интенсив усулда ташкил этиш орқали юритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Matchanov O.J. "Identification of sustainable lakes in khorezm region by comparing data from traditional and modern sources". Electronic journal Actual Problems of modern Science, Education and Training. Actual problems of geography. december, 2020-VI <http://khorezmscience.uz>

2. Matchanov O., Bekmetova Sh. "Selection of digital elevation model for determining the height and depth of lakes and ponds of the khorezm region". Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. March, 2020, pages— 97-105.

3. Легостаев В.М. Мелиорация засоленных земель. Госиздат. УзССР. Тошкент 1959. –С.146